


Қишлоқ хўжалигини комплекс ривожлантириш бўйича долзарб вазифалар белгилаб берилди



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 31 октябрь куни қишлоқ хўжалигини комплекс ривожлантириш, соҳага инновацион технологияларни кенг жорий этиш, маҳсулотлар экспортини ошириш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказилди.

Кейинги икки йилда қишлоқ хўжалигида туб ислохотлар, таркибий ўзгаришлар амалга оширилди. Соҳада бозор муносабатларини жорий этиш, қайта ишлаш ва экспорт инфратузилмасини ривожлантириш бўйича жуда кўп ишлар қилинди. Фермер ва деҳқонларнинг даромадини ошириш мақсадида янги тизим жорий қилиниб, кўплаб долзарб масалалар ҳал қилиб берилди. Етарли миқдорда маблағ ажратилди.

Йиғилишда қишлоқ хўжалигида инновацион технологиялар, илмий ишланмалар, айниқса, томчилатиб суғориш технологиясини кенг жорий қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Исроил давлатининг бу борадаги тажрибаси кўрсатиб ўтилди. У ерда қишлоқ хўжалиги томчилатиб суғоришга мослашгани учун бир километр ҳам коллектор дренаж тармоғи ва шўрланган майдонлар йўқ. Мелиорация тадбирларига умуман харажат қилинмайди.

Юртимизда сувни тежаш технологияларини татбиқ этиш бўйича етарли иш олиб борилмаётгани, бунинг оқибатида 140 минг километр узунликдаги коллектор дренажларга катта маблағ сарф бўлаётгани танқид қилинди.

Сувни тежовчи технологияни қўллаш ҳисобига 50-60 фоиз сувни иқтисод қилиш мумкин. Биргина кўчма эгилувчан қувурлардан фойдаланиш сувни 10-15 фоизга, томчилатиб суғориш эса 35-65 фоизга тежаш имконини беради. Лекин, томчилатиб суғориш тизими жуда кам майдонларда жорий этилган, холос, деди Шавкат Мирзиёев.

Шундан келиб чиқиб, 2019-2021 йилларда пахта-тўқимачилик кластерлари ва фермерлар пахта майдонида томчилатиб суғориш технологиясини жорий қилиш кўламини кенгайтириш зарурлиги таъкидланди.

Қишлоқ хўжалиги комплексидаги энг асосий масалалардан бири экспортбоп мева-сабзавот етиштириш ва уни экспорт қилишдир. Аммо Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, "Ўзбекозиқовқатхолдинг" компанияси хуудлар раҳбарлари билан тизимли иш олиб бормагани оқибатида экспорт прогнозини тўлиқ таъминлай олмаслик хавфи мавжудлиги

қайд этилди.

Шу боис ҳар бир ҳудуд билан экспорт бўйича икки ойлик режани кунма-кун белгилаб, тизимли бажариш вазифаси қўйилди. Шу билан бирга, келгуси йил экспорти учун сабзаёт экинларини экиш бўйича топшириқлар берилди.

Ўзбекистоннинг иқлим шароити эртапишар маҳсулотлар етиштириш имконини беради. Баҳор ойларида хорижий мамлакатларда уларга талаб ортади. Лекин бу имкониятдан унумли фойдаланилмапти.

Йиғилишда тегишли вазирлик ва ташкилотларга Россия, Хитой, Жанубий Корея, Ҳиндистон, Япония ва бошқа давлатлар бозорига қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортини кўпайтириш бўйича кўрсатма берилди.

Яна бир бор айтаман, экспорт давлатимиз сиёсатининг энг муҳим, устувор йўналишларидан биридир. Шунинг учун ҳар бир вазирлик ва идора экспортни ривожлантириши керак, дея таъкидлади Президентимиз.

Йиғилишда янги ташкил этилган уюшмалар фаолиятига ҳам эътибор қаратилди. Улар ўз йўналишлари бўйича янгиликка интилмаётгани, соҳадаги ўрни сезилмаётгани танқид қилинди.

Қишлоқ хўжалиги тармоқларига инвестицияларни, айниқса, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш зарурлиги таъкидланди.

Ерни ҳақиқий эгасига бериш, ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, уруғчиликни ривожлантириш, минерал ўғитлар етказиб бериш тизимини такомиллаштириш, қишлоқ хўжалиги техника паркни янгилаш, маҳсулотларни қайта ишлаш соҳасини ривожлантириш ва бошқа йўналишларда долзарб вазифалар белгилаб берилди.

[ЎЗА](#)